


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**
**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ**
**ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**Гувоҳнома** № 0680-16.02.2018.
**ISSN** № 2181-9017

## М У Н Д А Р И Ж А

### МАНБАШУНОСЛИК

**Якубов Қ.** Амир Темур сиймоси манғит хонлари нигоҳида: тақлид ва легитимация ... 3
**Идиев А.** “Баҳр ал-асрор” асаридаги этник маълумотларга оид мулоҳазалар .....16

### ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

**Алимова Д.** Марказий Осиёнинг XVI – XIX аср биринчи ярмидаги тарихи янги методологик ёндашувлар контекстида..... 27
**Абдурасулов Х.** Из истории внедрения в Туркестанском крае российских мер и клейменых весов ..... 41
**Хуснутдинов Ф.** Обзор публикаций по биографии Саййида Махмуда Тарази – представителя туркестанской эмиграции *‘улама’*: достоинства и лакуны .....58

### ДИПЛОМАТИКА ТАРИХИДАН

**Остонов Ж.** Афғонистон амири Омонуллахоннинг ташқи сиёсати ..... 82

**ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ**

**Каримова С.** Ибн Сино диагностикаси ..... 95
**Азизов С.** “Девон луғот ат-турк” ва “Қутадғу билиг” асарларида фалакиётга оид маълумотлар ..... 107

**ХОРИЖИЙ ШАРҚ МАСАЛАЛАРИ**

**Алимова Л.** Трансформация гендерного вопроса в Южной Корее в XX веке ..... 117
**Акрамова Ш.** Реформа науки и образования в КНР .....130

**ПЕРСОНАЛИ**

**Академик Дилорам Юсупова таваллудининг 80 йиллигига қутлов**

**Асқаров А.** Дилором Юсупова – таниқли шарқшунос олима..... 140

*ЎзР ФА*
*Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2021 йил 3 декабрдаги 10-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.*

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**
***Баҳром Абдуҳалимов***
*(Бош муҳаррир)*
***Сурайё Каримова***
*(Бош муҳаррир ўринбосари)*
***Салимахон Эшонова***
*(Масъул котиб)*
***Наталья Каримова***
*(Рус тили муҳаррири)*
***Акрам Ҳабибуллаев***
*(Инглиз тили муҳаррири)*

***Аҳмедов Ашраф***
***Бобожонов Бахтиёр***
***Баҳодиров Роиқ***
***Бўриев Омонулло***
***Дагели Жанин***
***Жуманазаров Абдусаттор***
***Исломов Зоҳиджон***
***Қориев Одил***
***Мўминов Аширбек***
***Раҳимжонов Дурбек***
***Султонов Ўктамбек***
***Ходжаев Аҳад***
***Юсупова Дилором***
***Ғуломов Санжар***
***Ҳасанов Маҳмуд***

***Манзилимиз:***
*100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79*
***Мурожаат учун:***
***Телефон:*** *(8 371) 262-54-61,*
***Факс:*** *(8371) 262-52-77*
***E-mail:*** beruni1@uznet.uz

## ПЕРСОНАЛИ



# Академик Дилорам Юсупова таваллудининг 80 йиллигига қутлов

*А. Асқаров*

### Дилором Юсупова – таниқли шарқшунос олима

Мен бугунги кунда шарқшунос олимларимиз орасида ўзининг қатъий иродаси, чуқур фундаментал билими билан ёшларнинг мўътабар устозига айланган Дилоромхон Юсуповани 1964 йилдан буён биламан. Ўша йили Дилоромхон билан тарихий қўлёзмалар устида ишлашнинг сирларини эгаллашда ёрдамини аямаган Бўрибой Аҳмедов кабинетида илк бор танишганман. Мен

Ленинградда (ҳозирги Санкт–Петербург) аспирантурада Бўрибой Аҳмедов ва Исматилла Абдуллаевлар билан бир даврда ўқиганман.

1963 йил 9 январда номзодлик ҳимояси билан Тошкентга қайтиб, Ўзбекистон ФА Тарих ва Археология институтида ишлаб юрган кезларимда, улар билан яна тез-тез учрашишни канда қилмадим. Ўша кезларда Дилоромхон эндигина ТашГУ Шарқ факультетининг Эрон-афғон бўлимини тамомлаб, ЎзР ФА Шарқшунослик институтида, Бўрибой Аҳмедов ва Асомиддин Ўринбоевлар раҳбарлигида, шарқ қўлёзмаларини илмий тавсифлаш иши билан шуғулланишни бошлаган экан. Ўз ишига бутун вужуди билан киришиб ишлаётган бу истараси иссиқ, ёқимтой, дилбар қиз Фанлар академиямиз “Фан” нашриёти директори Юнус ака Юсуповнинг қизи эканлигини билгач, унга нисбатан ҳурматим янада ортди. Чунки Юнус акани ноширликда бой тажрибага эга, мулоҳазали, қатъиятли, ҳалол, ўз ишининг устаси ва зукко раҳбар сифатида Фанлар академиясида ҳамма чуқур ҳурмат қилар эди.

1976 йилда Бўрибой Аҳмедов мен раҳбарлик қилаётган Археология институтига, унинг илмий-тадқиқот ишлари билан танишиб келиш учун (Самарқанд вилоят партия ташкилотининг саркотиби Б. Раҳимов талаби билан) Самарқандга ташриф буюрган эди. Эски қадрдонлар сифатида унинг қўл остида ишлаётган Дилоромхон ҳақида, унинг илмий ишлари, ютуқлари ҳақида сўрадим. У киши Дилором Юсупова ҳақида илиқ гапларни айтиб, “бундай дили билан тили бир ходималар ҳар бир илмий жамоада камдан-кам учрайди. Хабарингиз бўлса керак, Дилоромхон 1974 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, 1981 йилдан Институтда катта илмий ходим бўлиб, қўлёзмалар устида изланишлар билан банд” – дедилар.

1987 йил кузидаги Республика Фанлар академиясининг навбатдаги сайловларидан кейин, Республика раҳбарияти менга Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимини бошқаришни топширгач, иш юзасидан Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига тез-тез бориб турадиган бўлдим. Институт илмий жамоасини иши билан яқиндан танишиш жараёнида, илм соҳасида Дилоромхон Юсупованинг ютуқлари билан бевосита танишиб, дилдан қувондим.

Дилоромхон энди таниқли шарқшунос олим, форсий тилли қўлёзма манбаларнинг чуқур билимдони Асомиддин Ўринбоев билан, у киши раҳбарлик қилаётган бўлимда ишлар эди. Шахсий характер, тенги йўқ устоз сифатида Асомиддин ака бошқалардан тубдан фарқ қилувчи ёрқин сиймо эди. Унинг ҳам Дилоромхон Юсуповага нисбатан ҳурмати беғараз, уни дилдан қадрловчи устоз эканлигига ишонч ҳосил қилиб, Дилоромхон Юсупова нафақат оилавий ҳаётда бахтини топган, ҳатто илмда, устоз танлашда ҳам беназир олима эканидан қувондим. Бундай тақдир ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шундан бошлаб Дилоромхонни илмий ижоддаги ютуқларини у чоп эттирган асарларида, Республика ва халқаро илмий анжуманларда қилган маърузаларида, ёшларнинг номзодлик ва докторлик диссертациялар ҳимояларидаги унинг чиқишларида кузатиб, унга доимо дилимдан офаринлар айтиб юрдим.

Тақдир тақозоси билан 2013–2014 йилларда менга Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, у киши билан бирга ишлашга тўғри келди. “Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи” бўйича И1-ФА-0-81416 рақамли Инновацион тадқиқотлари давлат гранти асосида тайёрланган лойиҳам илмий экспертизадан ўтиб, уни амалга ошириш учун Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ишлашга тўғри келди. Кейинги икки йиллик иш фаолиятимда Дилоромхон Юсупова билан баҳсларимизда таниқли хитойшунос олим, қадимги хитой иероглифларининг аслиятини ўқишда Ўзбекистонда ягона мутахассис, тарих фанлари доктори, профессор Аҳаджон Хўжаев ҳам фаол иштирок этарди.

Ҳозирги кунда, хотираларимни ёзишга жазм қилган кезларимда, кейинги ижодий фаолиятимни қанчалар мароқли, илмий ғояларга бой йиллар бўлганидан қувонаман. Чунки самимий, ўзаро ижодий ҳамнафасликда қурилган илмий муҳит нафақат кишига қувонч ва куч-ғайрат, дилига лаззат бағишлайди, кишини руҳан, жисмонан соғлом бўлишида беназир омилдир. Мен шу йиллар ичида Дилоромхонни илмий ижоди билан яқиндан танишдим. У киши тўлақонли, чуқур билимли шарқшунос олима эканлигидан қувондим. Унинг фан соҳасидаги илмий йўналиши тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар усуллари билан боғлиқ. У форс тилидаги манбалар бўйича устози Асомиддин Ўринбоев каби чуқур билимлар соҳиби. У ўз

ижодий камолотини нафақат қўлёзма манбаларнинг илмий тавсифи соҳасида юксак даражада намойиш эта олган зукко олима, балки у ўз соҳаси йўналишида кўплаб юксак малакали кадрлар тайёрлашда ҳам бошқаларга ибрат бўлган, тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқотлар илмий усуллари, Шарқ қўлёзмаларини каталоглаштириш, XV–XVI асрлар тарихига (Амир Темур ва Темурийлар даври) оид манбаларни илмий-изоҳли таржималарини нашр этиш, ушбу давр тарихига мансуб тадқиқотлар яратиш – бу зукко олиманинг асосий илмий йўналиши ҳисобланади. Унинг ижодий камолоти "Мужмали Фасихий" қўлёзма асарини Ўрта Осиё ва Ўрта Шарқ тарихи ва маданият тарихининг манбаси, Мирзо Улуғбекнинг устози "Ғиёсиддин Кошийнинг Самарқанддан Кошонга отасига йўллаган мактуби", Хондамирнинг ижодий мероси XV–XVI асрлар Марказий Осиё маданиятининг манбаси ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик Институтида сақланаётган тарихга оид қўлёзмалар каталоги каби фундаментал асарларни чоп этилишида кўзга ташланади.

Дилоромхон Юсупова 50 дан ортиқ халқаро, Республика илмий-амалий анжуманларда оригинал маърузалари билан чиқишлар қилишга улгурган. У Россия, Германия, Франция, Япония, Англия, Туркия, Эрон, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатларда уюштирилган илмий анжуманларда маърузалар билан қатнашган. Унинг 220 дан ортиқ нашр этган илмий ва ўқув-услубий ишларида муаммовий масалаларни кўтарилиши, уларнинг илмий асосли ечими билан диққатга сазовор.

Дилоромхон Юсупова мустақиллик даври тарихшунослигида етук манбашунос сифатида Республикада фаолият олиб бораётган докторлик илмий кенгашлар аъзоси бўлиб, юқори даражали илмий кадрлар тайёрлаш ишига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Олима ҳозирги кунда ЎзР ФАнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида етакчи илмий ходим сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тарих фанлари доктори, профессор, ЎзР ФА нинг академиги Дилоромхон Юсупова таваллудининг 80 баҳори, илмий ижодининг 59 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Юбиляримизга янада сермаҳсул ижодий парвоз, мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайман ва оилавий бахт доимо ҳамроҳи бўлсин деб дуода бўламан.

## Бизнинг авторлар

1. **Абдурасулов Хушнудбек Абдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
2. **Азизов Саидбахром Ханджарович –** мустақил тадқиқотчиси.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
4. **Алимова Дилором Агзамовна** – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти бош илмий ходими.
5. **Асқаров Аҳмадали –** академик, Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университети Тарих факультети профессори.
6. **Алимова Лазиза Алишер қизи** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кичик илмий ходими.
7. **Идиев Акбар Аваз ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
8. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна** – тарих фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий ишлар бўйича директор ўринбосари.
9. **Остонов Жаҳонгир Давлатович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти стажёр-тадқиқотчиси.
10. **Хуснутдинов Филипп Романович** – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти таянч докторанти.
11. **Якубов Қаҳрамон Каримджанович** – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти 2-босқич докторанти.

## Наши авторы

1. **Абдурасулов Хушнудбек Абдуллаевич** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
2. **Азизов Саидбахром Ханджарович** – независимый соискатель.
3. **Акрамова Шоира Мухамедаминовна –** младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
4. **Алимова Дилором Агзамовна** – доктор исторических наук, профессор, главный научный сотрудник Института истории Академии наук Республики Узбекистан.
5. **Алимова Лазиза Алишер кизи** – младший научный сотрудник Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
6. **Аскаров Ахмадали –** академик, профессор факультета Истории Ташкентского государственного педагогического университета им. Низами.
7. **Идиев Акбар Аваз угли** – базовий докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан**.**
8. **Каримова Сурайё Убайдуллаевна** – доктор исторических наук, заместитель директора по научной работе Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
9. **Остонов Джахангир Давлатович** – Стажер-исследователь Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
10. **Хуснутдинов Филипп Романович** – базовый докторант Института востоковедения им. Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.
11. **Якубов Кахрамон Каримджанович** – доктор философских наук (PhD) по истории, докторант 2-курса института Истории Академии наук Республики Узбекистан.

## Ours authors

1. **Abdurasulov Khushnudbek** – Junior Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
2. **Azizov S. Xandjarovich** – Independent researcher.
3. **Akramova M. Shoira** – Junior Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
4. **Alimova A. Dilorom** – Doctor of Historical Sciences, Professor, Chief Researcher of the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
5. **Alimova A. Laziza** – Junior Researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
6. **Askarov Ahmadali** – academician, professor of the Faculty of History of the Tashkent State Pedagogical University named after Nizami.
7. **Idiyev A. Akbar** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
8. **Karimova U. Surayyo –** Doctor of Science (in History), Deputy Director at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
9. **Ostonov D. Jahongir** – Intern-researcher at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
10. **Khusnutdinov R. Filipp** – Basic doctoral student at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.
11. **Yakubov K. Qahramon** – Doctor of Philosophy in historical sciences (PhD), 2nd-year doctoral candidate at the Institute of History of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.